# СССР Олий Совети Президиумида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Корхоналарда янги хўжалик механизмини ўзлаштириш, бошқаришни демократиялаш асосида меҳнат коллективлари фаолиятини кучайтириш, ишлаб чиқариш ички хўжалик ҳисобини жорий этиш ва уни ҳар бир меҳнаткашга етказиш борасидаги ишлар кўпинча суст олиб борилмоқда.

СССР Олий Совети Президиуми СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини бажаришда катта камчиликлар бор, деб ҳисоблайди. Белгиланган топшириқларни адо этиш юзасидан барқарор ва муқим иш таъминланмаётир. Кўпгина корхоналар ва ташкилотлар шартнома мажбуриятларини бажара олмаяптилар.

Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасидаги ишларда туб бурилиш рўй бермади. СССР Қора металлургия министрлиги ўзига қарашли корхоналарда металл маҳсулотларининг юқори самарали турларини ишлаб чиқариш планлари, СССР Химия саноати министрлиги янги материалларнинг бир қанча илғор турларини ишлаб чиқариш планлари бажарилишини таъминламаяпти. Иқтисод ва ресурсларни тежаш режимини кучайтириш юзасидан ишлар етарли даражада фаол олиб борилмаяпти. Иккиламчи ресурслардан хўжалик оборотида суст фойдаланилмоқда.

Инвестиция жараёни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст қайта қурилмоқда. Куч ва маблағларни кўпдан-кўп қурилишларга сочиб юбориш давом этмоқда. Кўпчилик ҳолларда объектларни қуриш норматив муддатларига риоя этилмаяпти. Тугалланмаган қурилишлар ҳажми ҳамда ўрнатилмаган ускуналар запаслари кўпайиб бормоқда. Бир қанча иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари Умумиттифоқ аҳамиятидаги қурилишларга етарлича эътибор бермаяптилар.

Мактабгача тарбия муассасалари, ҳунар-техника билим юртлари, касалхоналар ва бир қанча бошқа социал-маданий соҳа объектларини ишга тушириш топшириқларини бажаришдаги аҳвол қониқарли эмас. Кексалар ва инвалидлар учун интернат уйларни фойдаланишга топшириш таъминланмаяпти.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ҳамда хизматларни ривожлантириш қабул қилинган планлардан орқада қолмоқда, бу эса мамлакатда пул муомаласининг аҳволини жиддий равишда мураккаблаштирмоқда. СССР Енгил саноат министрлигининг корхоналари жун газламага давлат буюртмасини адо этмаяпти. Тармоқ ишлаб чиқараётган буюмларнинг хили камлигича қолмоқда, уларнинг сифати амалда яхшиланмаяпти. Ўтган йили СССР Электротехника саноати министрлигининг, СССР Алоқа воситалари саноати министрлигининг корхоналари халқ истеъмоли товарлари етказиб бериш юзасидан катта қарздорликка йўл қўйдилар. Шу йилнинг биринчи кварталида СССР Оғир энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлигининг, СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигининг, СССР Жанубий районларида қурилиш министрлигининг ҳамда бошқа бир қанча министрликларнинг корхоналари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш планларини уддалай олмадилар.

Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Озарбайжон ССР, Тожикистон ССР ва бир қанча бошқа иттифоқдош республикаларда аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ривожлантириш планлари бажарилмаяпти.

Министрликлар ва идоралар ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда, экспорт имкониятларини кучайтириш ҳамда чет эл корхоналари ва фирмалари билан бевосита алоқаларни кенгайтиришда корхоналарга зарур ёрдам бермаяптилар. СССР Ўрмон саноати министрлиги, СССР Автомобиль саноати министрлиги ва баъзи бир бошқа министрликлар чет элларга маҳсулот етказиб бериш интизомини бузишга йўл қўймоқдалар.

СССР министрликлари ва идораларининг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг эътибори шунга қаратилдики, улар ҳозирча иқтисодий иш савиясини тубдан ошириш, тармоқларнинг ва регионларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ҳар бир корхона фойда ва бюджет тўловлари планларини бажариши, маҳсулот таннархини арзонлаштириши юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрмаяптилар.

Кўпгина корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда, бир қанча ҳолларда эса ҳатто ёмонлашмоқда. Кўпгина хўжалик раҳбарларида тайёрга айёрлик кайфиятлари барҳам топмаган. Ёмон ишлайдиган корхоналарнинг келтираётган зарари кўпинча яхши ишлайдиган корхоналар ҳисобидан қопланиб кетмоқдаки, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида бунга йўл қўйиб бўлмайди.

1988 йилда давлат корхоналари фойда олиш планларини давлат планида кўзда тутилганидан кам миқдорда тасдиқладилар. Шу сабабли СССР Давлат бюджетига даромадлар тушиши юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилиши таъминланмаяпти.

Банк системасини, шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг кредит-ҳисоб-китоб хизматини қайта қуриш иши чўзилиб кетди.

СССР Министрлар Советига янги хўжалик механизмини практикага жорий этиш тўла хўжалик ҳисоби принципларига, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини-ўзи бошқариш принципларига қатъий риоя этиш йўлини изчиллик билан ўтказиш тавсия қилинди. Хўжалик ҳисоби муносабатлари системаси такомиллаштирилсин, кам харажат механизмини жорий этиш ишлари қатъият билан олиб борилсин.

Давлат буюртмаси тўғрисида Низом қабул қилишни ва узоқ муддатли иқтисодий нормативларнинг илмий асосланган системасини вужудга келтириш билан боғлиқ масаларни ҳал этиш жадаллаштирилсин. Томонларнинг шартнома мажбуриятлари бузилиши туфайли кўрилган зиён миқдоридан моддий жавобгарлиги кучайтирилсин.

1988 йилги план ва бюджетни бажариш ҳамда 1989 йилги план ва бюджетни тайёрлаш чоғида ҳисобот берувчи органларнинг фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришни инвестиция жараёнини тубдан қайта қуришни, ишлаб чиқариш қувватлари ва социал-маданий соҳа объектлари белгиланган муддатда ишга туширилишини, аҳолининг тўлов қобилияти талабларига мувофиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўпайтирилишини; ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлиги оширилиши ва энг аввало, машина ҳамда ускуналар ҳисобига экспорт имкониятлари кўчайтирилишини таъминлашига алоҳида эътибор берилсин.

Иқтисодий иш даражасини ошириш, корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, Давлат бюджети олдидаги мажбуриятларни бажариш, СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг ва депутатларининг таклиф ҳамда мулоҳазаларини амалий фаолиятда тўлароқ ҳисобга олиш учун СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига талабчанлик кучайтирилсин.

Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари Президиумларига, Министрлар Советларига жуда қисқа муддат ичида бошқарув структурасини қайта қуришни ва бошқарув аппаратини қисқартиришни тугаллаш таклиф этилди. Расмий-бюрократик методларга ҳамда ишнинг маъмурий-буйруқбозлик услубига активроқ барҳам берилсин.

Ўзларига қарашли территорияларни комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда, меҳнат коллективларининг ташаббусини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда, аҳолининг озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уй-жой қурилишини кенгайтириш, социал соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун резервлардан фойдаланишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг фаолиятини янада активлаштириш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўрилсин.

• *Тарихчилар ва ёзувчилар конференцияси*

# КЕЛАЖАК ЙЎЛИНИ ЧАМАЛАБ

Ҳали ҳеч қачон тарих ва адабиёт масалалари жамиятимизни революцион янгилашнинг ҳозирги кунларимиздагидек долзарб, айтиш мумкинки, социал аҳамиятга эга бўлмаган эди. Тарихчилар ва ёзувчилар келажак йўли равон бўлиши учун бугун Ватанимиз ўтмишининг асосий босқичларига назар солмоқдалар. 27 апрель куни Москвада очилган илмий конференциянинг мақсади ана шу йўлдаги куч-ғайратларни бирлаштиришдан ва позицияларни таққослаб кўришдан иборатдир, бу анжуманни СССР Фанлар академияси, СССР Ёзувчилар союзи ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси уюштирди.

Конференцияни СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов очди. Жамиятни ахлоқий ва маънавий жиҳатдан соғломлаштириш вазифасини, ҳар бир кишининг ҳаётдаги яратувчилик жараёнларида онгли тарзда актив иштирок этиш вазифасини, — деб таъкидлади у, барча интеллектуал кучлар-илм-фан, адабиёт ва санъат кучларини бирлаштирмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди. Тарихнинг улуғ тарбиявий куч-қудрати илмий асарлар орқали ҳам, бадиий асарлар орқали ҳам рўёбга чиқади.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев «Тарих, адабиёт, жамият» мавзуида доклад қилди. Тарих ҳамиша ўткир мафкуравий кураш майдони бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деди у. Ҳозир ҳам бизнинг ғоявий мухолифларимиз тарихий календардаги ҳар бир санадан, ҳар бир баҳонадан социализмнинг ҳаёт қобилиятини ва унинг ютуқларини шубҳа остига олиб, фойдаланишга уринмоқдалар. Улар ғийбат-бўҳтондан, фактларни қўпол тарзда бузиб кўрсатишдан ҳам тоймаяптилар. Шунинг учун ҳам тарихий воқеаларни ҳаққоний баён этиш, муваффақиятларимиз ва хатоларимизни марксча таҳлил этиш, олимлар ва адабиёт арбобларининг муҳим мафкуравий вазифасидир. В. И. Ленин таъкидлаганидек, «ҳаёт зиддиятлар билан олға қараб боради, лекин жонли зиддиятлар кишининг ақлига дастлаб туюлишидан кўра кўп жиҳатдан ҳийла бой, хилма-хил, сермазмундир». Бу айниқса революцион даврларга ва, албатта, социалистик жамиятни қайта қуриш ва революцион янгилашдек ана шу мураккаб жараёнга ҳам тааллуқлидир.

Тарихчилар ва адибларнинг энг муҳим вазифаси, деб таъкидлади олим, совет жамиятининг ҳаққоний тарихини, унинг маънавий тараққиёти тарихини яратишдан, тарихий жараённи мужмал ёритишга, ана шу даврдаги конкрет арбоблар номини тилга олмасликка, мазкур даврнинг драматик оқибатлари ҳақида ломмим демасликка чек қўйишдан иборат. Совет халқи ҳаёти ва кураши тажрибасини худди ана шундай тарзда ҳаққоний ёритиш бундан буёнги назарий хулосалар, социалистик жамиятни янгилаш, қайта қуришни давом эттириш ва чуқурлаштириш учун негиз бўлади.

Шундан кейин «КПСС тарихи масалалари» журналининг бош редактори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. И. Касьяненко «Совет жамияти тараққиётининг асосий қонуниятлари ва тарихнинг актуал масалалари» мавзуида доклад қилди.

Янгиланиш идеологияси ва жамият ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида ўзгаришлар зарурлигини англаб олиш мамлакатдаги ишларнинг аҳволи ва мамлакатнинг тараққиёт истиқболига реалистик баҳоларни қидириш чоғида шаклланди, деди у. КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми алоҳида ўрин тутади. Мазкур Пленумда янгиланиш идеологиясининг бир қанча принципиал масалалари, жумладан, социализмнинг ленинча концепциясини, тарихга оид тадқиқотларнинг марксча-ленинча методологиясини тиклаш масалалари илгари сурилди, совет халқи тарихий онгини янгилаш вазифалари белгиланди.

Демократиялаш ва ошкоралик шароитида ёзувчилар, публицистлар, тарих-ватанпарварлик бирлашмалари аъзоларининг тарихга фаол аралашуви қонуний ва тушунарлидир, деб таъкидлади докладчи. Зотан, йўл қўйилган камчиликларга қарамай, адиблар илгари тақиқлаб қўйилган тарих масалалари хусусида ва жамиятимизнинг бугунги ҳаёти ҳақида оператив, ўткир, қизиқарли, ҳис-ҳаяжон билан қалам тебратиш намунасини кўрсатдилар. Бу мақолалар жамоатчиликни ҳаяжонга солди, Ватанимиз тарихида, давлат арбоблари хизматига, ушбу тарих қаҳрамонлари ва «ноқаҳрамонлари» тақдирига ялпи қизиқишни кучайтирди. Бу—тарихчилар учун ва айниқса тарих мавзусида эндигина қалам тебрата бошлаган ёзувчилар учун яхши мактабдир.

Илмий-тарихий ва илмий-бадиий жанрларнинг узвий боғланиб кетиши бизга билимнинг ҳозирги даражаси ва адабий ижоднинг ҳозирги поғонасидан туриб халқнинг тарихий онгини тубдан янгилаш, уни қайта қуришнинг ва жамиятимиз социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётини жадаллаштиришнинг қудратли кучига айлантириш учун ноёб имконият яратади.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ф. А. Николаев ўз докладини бадиий адабиётда совет жамияти тарихини акс эттириш проблемаси ва адабиётшуносларнинг вазифаларига бағишлади. У муаммонинг мураккаблиги ҳозирги адабий ва бадиий вазиятнинг ўткирлиги ва зиддияти, совет жамияти тарихи тўғрисидаги замонавий билимларимизнинг етарли бўлмаганлиги билангина эмас, балки назарий-эстетик ва санъатшунослик бобидаги сабаблар билан ҳам изоҳланади, деб таъкидлади. Санъат спецификасига ҳамма томондан эътироф этилган нуқтаи назарнинг йўқлиги, докладчининг фикрича, ана шундай сабаблардан биридир.

Нотиқнинг фикрича, адабиётшуносликдаги тарихийлик алоҳида муаммодир. XXI аср бўсағасида социал ва бадиий адабиётимиз якунларини чиқариш пайти келди. Ижоди XIX асрдаги рус классикасидан баҳра олган, уч революция давридаги санъат ардоқлаб етиштирган ва бизнинг асримиздаги совет бадиий прозаси тараққиётининг бош йўлларини белгилаб берган ёзувчиларнинг тажрибасини тўлалигича тасаввур этмай туриб, юқоридаги якунларни чиқариб бўлмайди.

Докладчи бадиий тарихийлик тушунчаси хусусида тўхталди. Бу тушунча, тарихий воқеаларга, айниқса бу воқеаларнинг тафсилотларига айнанликни англатмайди, балки муаллифнинг замонавий нуқтаи назарини ва шу нуқтаи назарнинг тўғрилигини тарихий-материал негизида тасдиқлашга уринишни акс эттиради. Замирида тарихийлик бўлган чинакам бадиий ижод ҳамиша асарда бевосита акс этган воқеалар ҳамда унда қайта тикланган вазиятлар ва характерлар тарихий ҳаракатининг истиқболи синтезидан иборат. Китобхон бу истиқбол қандай бўлишини кўпроқ ёки озроқ даражада холисона фаҳмлаб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Тарихий ҳодисаларни баҳолашда социал сергаклик ва асослилик керак, деб таъкидлади докладчи.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари Ю. П. Воронов ва В. А. Григорьев қатнашмоқдалар.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

## КОБУЛДА ЮБИЛЕЙ КОНЦЕРТИ

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли ўзининг 250-юбилей концертини Афғонистонда Апрель революциясининг 10 йиллигига бағишлади. Юбилей концерти Кобул офицерлар уйида бўлди. Программа А. Флярковскийнинг Р. Рождественский шеърига ёзган «Ватан. Революция» қўшиғи билан очилди. А. Петров, В. Левашов, Б. Александровнинг Афғонистон ҳақидаги қўшиқлари, Ўзбекистон композиторларининг ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги, шунингдек интернационалист-жангчиларнинг асарлари янгради.

Афғон артистлари Ўзбекистон олий ўқув юртларини битирган ёшлардан ташкил топган «Гулисурх» ансамбли аъзолари бу концертга жавобан музикали табрик билан чиқдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

• *Деҳқон академикка мурожаат қилди*

**«Ҳурматли академик!**

**Шу йил баҳорда республикамиз агросаноат комплекси тармоқлари ходимларининг Қурултойида сўзлаган нутқингизни диққат билан тингладим. Ўшанда анчадан буён кўнглимда тугиб юрган айрим фикрларим билан Сизга бир «ёрилиш»ни ният қилгандим. Учрашишнинг иложини тополмадим. Ниҳоят хат орқали мурожаат этяпман.**

**Кўп йиллардан бери пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаб келаман. Бригадамиз аъзолари билан ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида ўтказиб, мўл ҳосил етиштиришга эришяпмиз. Ўтган йили 76 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 31 центнер ўрнига 35 центнердан пахта олдик. Жами ҳосилнинг 80 проценти биринчи сортга сотилди. Машина терими салмоғи 75 процентни ташкил этди.**

**Лекин йиллик планимизни юқори сортлар ҳисобига ошириб бажарган бўлсак-да, даромадимиз кўнгилдагидек бўлмади. Бунинг сабаби — колхозимизда иш юритишнинг янги, самарали усули — пудрат усулига тўла ўтилмаганлигида, деб ўйлаймиз. Сиздан илтимос, бригада пудрати тўғрисида конкрет мисоллар билан мақола ёзсангиз».**

**Бригада аъзолари номидан:**
**Б. КЕНЖАЕВ.**

**Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи».**

**Редакциямизга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. В. МУҲАММАДЖОНОВ қўлида ушбу хат ва унга ўзи ёзган жавоб қўлёзмалари билан кириб келди. Уларда асосан меҳнатни ташкил этишнинг янги формаси — коллектив пудрат ва унга ҳақ тўлаш принциплари ҳамда мўл ҳосил етиштириш омиллари ҳақида гап борарди. Биз мавзунинг бугунги кун учун ўта муҳимлигини эътиборга олиб, оддий деҳқон билан академик агроном ўртасидаги ёзишмага газетадан жой беришни лозим топдик.**

# МАНФААТДОРЛИК САМАРАГА БОҒЛИҚ

Ҳозир мамлакатимизда қайта қуриш ва юқори самарадорликни таъминлаш учун қизғин кураш кетмоқда. Бу ўз навбатида, экономика ва социал турмушнинг ҳамма соҳаларида чуқур ижобий ўзгаришларни тақозо қилади. Бу йўл меҳнат унумдорлигини ошириш билан юқори моддий манфаатдорликни таъминлашнинг муҳим омили ҳамдир.

Меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг пудрат усули кишиларда чинакам хўжайинлик туйғусини шакллантиради. Улар пудратчи коллективга бириктирилган ер, сув ва бошқа маблағ ҳамда ресурсларнинг ҳақиқий эгаси бўлиб қоладилар.

Фикримча, бунда меҳнат аҳли ер унумдорлигини тобора ошириб бориш, ундан самарали фойдаланиш, кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, мўл-кўл маҳсулот етиштиришнинг чинакам жонкуяри ва ташаббускорига айланади. Натижада коллектив энг юқори кўрсаткичларга эришуви мумкин. Пудрат системаси конкрет шароитга қараб тўғри амалга оширилса, маҳсулот таннархининг пасайиши, юқори рентабеллилик ва меҳнат унумдорлиги таъминланади. Иш ҳақи ҳам шунга яраша ортади. Яъни даромадга қараб — буромад бўлади.

Бригадангиз далаларида бўлганимда мўл пахта ҳосили йўлидаги ишларингиз менга маъқул бўлди. Ўтган 1987 йилги қийин об-ҳаво шароитида пландаги 31 центнер ўрнига 35 центнер ҳосил олишнинг ўзи бўлмаган, албатта. Бригадангизга ажратилган 76 гектар пахта майдонида 20 киши ёки 8 оила ишлайди. Булар бригадир, битта тракторчи, 4 та сувчи ва 13 та кетмончи ва битта қоровулдан иборат. Ҳар бир кетмончи хотин-қизга 5—6 гектар ер бириктилган. 13 кетмончига мавжуд ерлар чигит текис ундириб олингандан кейин сентябрь ойи бошларигача бириктириб қўйилган. Улар ғўзани ягана қилишади, тўрт марта кетмон чопиғи ўтказишади ва парвариш билан боғлиқ бўлган бошқа юмушларни (ўсимликни суғориш ва қатор ораларини культивация қилишдан ташқари) бажаришади.

Бу ерда шуни айтиш керакки, етиштирилган ҳосилга қанча меҳнат сарфланганлигини бригада аъзолари аниқ билишмайди. Агар иш пудрат усулида уюштирилганда эди, қилинган меҳнат ҳам, сарф-харажат ҳам қатъий ҳисобда бўларди. Пахтакорлар кам меҳнат билан кўпроқ, юқори сифатли ҳосил олишга ҳаракат қилишарди. Афсуски, колхоз правлениеси бунга эътибор бермаган. Кўриниб турибдики, бригадангизда ҳақиқий пудрат усули ҳақида аниқ тушунча йўқ. Бундай ҳол фақат Сизда эмас, балки кўпчилик пахтачилик хўжаликларида ҳам мавжуд.

Мен юқорида айтган сўзларимни такрорлаб, шуни алоҳида таъкидлайманки, пудратда энг муҳими — ер ўз эгасини топиши шарт. Бизларда ер давлат мулки бўлсада, у доимий фойдаланиш учун колхоз ва совхозларга бириктириб қўйилган. Ердан унумли фойдаланишда пудрат системаси қандай шаклда бўлмасин, ер коллективнинг шахсий мулкидек бўлиб қолиши керак. Ерни коллективга ёки оилага 2—3 йилга эмас, балки бир алмашлаб экиш даври мобайнида бутунлай бериш керак, деб ўйлайман. Шунда, деҳқон ерни кўз қорачиғидек асрайди. Унинг тақдири, унумдорлиги ҳақида ғамхўрлик қилади. Чунки унинг моддий аҳволи (даромади) шу ерга боғлиқ, ахир.

Пудрат коллективлари бир қанча турларда — оила, звено, аренда, бригада шаклида бўлиб, улар одатда маҳаллий шароитларга қараб танлаб олинди. Шулар ичида, шахсан менга оила пудрати маъқул. Чунки бунда ўзаро муносабатлар, бир мақсадга — оила манфаатига қаратилади. У ўзаро ишонч, бир-бирига ёрдам бериш, ўзаро назорат асосида қурилади. Шунинг учун ҳам тажрибалар оила пудратининг афзаллигини кўрсатмоқда. Агар бригадада оилалар кичик бўлса, бир-бирини яхши тушунадиган бир неча оила ҳамкорлигида кўнгилли асосда пудрат коллективини таркиб топтирган маъқул. Шуни ёдда тутиш керакки, пудратда одам сони қанча кўп бўлса, шунча эгасизликка шароит туғилади ва ўзаро назорат қийинлашади. Масалан, 20 кишидан таркиб топган коллективда 5—6 кишилик коллективга нисбатан бир хилда жон куйдириб ишлаш ва ўзаро назорат қийин бўлиши турган гап.

Пудратчилар билан колхоз ва совхоз маъмурияти ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида қурилади. Етиштирилган маҳсулот ва унга сарф бўладиган харажатлар, ишга ҳақ тўлаш тартиби пудрат коллективи аъзоларига маълум бўлиши керак. Бу коллективнинг аниқ мақсадни кўзлаб ишлашига ёрдам беради. Шу билан бирга технологик карталардан фойдаланиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Унда ҳосил етиштириш билан боғлиқ ишлар ва уларнинг харажат лимитлари белгиланади. Пудрат системасида ҳақ тўлаш пировард натижалар билан тўғри боғланиши лозим. Чунки, қилинган меҳнат миқдори ва сифати пировард натижаларда тўла ифодасини топади. Ҳақ тўлаш коллективнинг ҳамма аъзоларига тушунарли бўлиши керак.

Ишни коллектив пудрати асосида юритишда тракторчи бажарган ишига чек бериш усули тавсия этилмоқда. Фикримча, чек усулида тракторчининг иш сифати яхши назорат қилинмайди. Даромади кўпроқ гектарни ишлашга боғлиқ бўлганидан кейин қанча маҳсулот етиштириш уни унча қизиқтирмайди. Борди-ю, тракторчи, жумладан, сувчи бажарган ишга тўланадиган ҳақ, конкрет ердан чиқадиган ҳосил миқдорига боғлиқ қилиб қўйилса, улар аввало ишнинг сифатли бажарилишига ва мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қилади.

Шуни айтмоқчиманки, ҳатто бригада бошлиғи ҳам барча даладаги ғўза қатор ораларини назорат қилолмайди. Тракторчи эса, ҳамма участка, ҳатто ҳар бир қаторни беш қўлдай билади. Қайси жой ёки қаторни ўт босган, ҳашарот тушган, сувдан ёки ўсишдан қолган — унга маълум. Чунки у ҳаммасини кўради, пудрат аъзоларини содир бўлган камчиликлардан хабардор қилади ва уларни бартараф этиш чораларини кўришга даъват этади. Шуларни ҳисобга олиб, пудрат коллективи бригада советида тракторчи ишини ҳам пировард натижага боғлаши керак.

Бригадада бўлганимда Сиз юқоридан буйруқ беришга ҳали ҳам барҳам берилмаганини айтдингиз. Масалан, район раҳбарлари келиб, одамлар дала шийпонида бўлсин, дейишади. Колхоз правлениеси бригада ерларида иш бўлгани ҳолда коллективни «бошқа бригадаларда аҳвол ёмон», деган баҳона билан ёрдамга юборади ва ҳоказо.

Партиямиз буйруқбозликка чек қўйиш, хўжаликларга, бригадаларга план берилдими, уларнинг ташаббусига йўл очиш, ички ишларни бажаришга кенг эркинлик, мустақиллик беришга эътибор қилмоқда. Афсуски, буйруқбозлик айрим раҳбарларнинг қонига сингиб кетган. Ҳатто, қачон, қандай экиш керак, қачон суғориш, қачон дефолиация қилиш кераклигини ҳам айрим маъмурий органлар ҳануз белгилаб беришади. Ахир, ер шароитини, экиш-тикишни, экинни парвариш қилишни деҳқоннинг ўзидан яхши биладиган киши йўқ-ку. Ерлари яхши тайёрланган, механизмлардан яхши фойдаланилаётган Сизнинг бригадангизга ўхшаш жойларда колхозчилар доимо дала шийпонида туришлари шарт эмас. Уй-жойи яқин бўлса, ишни қойил қилиб қўйгандан кейин далада иш бўлмаса, уйи, боласи, томорқа ёки мол-ҳолига қарасин-да. Ёки пахтакорларнинг ўз даласида иши бўла туриб, бошқа бригадага ёрдамга ўтказиш ҳам тўғри эмас. Лекин оила ёки звенолар барча ишларни вақтида сифатли бажарган бўлса, бошқа бригадага ёрдам бериш вақтида қилинган ишга ўша бригада ҳисобидан ҳақ олиши мумкин.

Инсон омилини кучайтириш — бош масалалардан бири бўлиб турибди. Бу масалани тўғри ҳал этиш эса ишловчиларга яратиб берилган шароитга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада дала шийпонини пахтакорнинг ҳақиқий иккинчи уйига айлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ишлар авжи қизиган, 40—45 даражали саратон иссиғида ишлагандан сўнг душга тушиб яйраш, мазали овқат еб, гуркираган дарахтлар салқинида, хушбўй гуллар атрофида дам олиш, газета-журнал ўқиш, радио эшитишга нима етсин? Дастурхонда сара мева, сабзавот бўлса, улар шийпон атрофида етиштирилса, нур устига аъло нур бўларди.

Бу — одамларнинг кайфиятини кўтаради, кучига куч қўшади. Бироқ Сизнинг бригадангиздаги дала шийпони ҳали талабга жавоб бермайди. Хўжалик маъмурияти бу ҳақда ўйлаб кўрса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Бригадангизнинг ер шароити яхши, кам шўрланган, бир марта ювилса, туздан тозаланади. Ер ости суви яқин бўлганидан, ёз бўйи икки марта ғўзани суғориб, пахтани пишириб олиш мумкин. Лекин суҳбатимиздан маълум бўлдики, ишларингизда эътиборни жалб қиладиган айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, экишда ҳар гектар ерга планлаштирилган 35 килограмм ўрнига 60 килограммдан тукли чигит сарфларкансиз. Натижада, яганалашда меҳнатингиз икки баробар ортаркан. Бундан ташқари ягана кечикиб кетаркан. Бу — ҳосилни камайтиради-ку?! Борди-ю, сиз туксизлантирилган, тўқ мағизли сара чигитни аниқ миқдорда экадиган сеялкада ташлаб, уни тўла ундириб олсангиз, яганага ҳожат қолмасди, ниҳоллар бўлиқ, серавж бўларди, мўл кўсак тупларди, ҳосилдорлик камида 2—3 центнерга кўтариларди.

Сиз «АН-Боявут-2» навли ғўза чигитини экиб, гектарида 120 минг туп кўчат қолдирамиз, дедингиз. Албатта, ер ости суви яқин, унумдорлиги яхши бўлган ер шароитларида бундай кўчат сони жуда кўп. Бунда ғўзалар тез ўсиб, ғовлашга мойил бўлганидан пастки шохларга, ундаги ҳосил тугунчаларига қуёш нури яхши тушмайди, уларда эрта пайдо бўлган шоналар, гуллар кўплаб тўкилиб, сақланиб қолганлари ҳам лўппи пахта бермайди, анчагина қисми чиртаки бўлиб очилади. Агар 75—80 минг туп кўчат қолдирилса, ғўза туплари қуёш нуридан яхши баҳраманд бўлади, барг ва илдиз орқали озиқ олиши уйғунлашади, эртаги ҳосил элементлари кўплаб сақланиб қолганидан кўсаклар бўлиқ бўлади.

Яна бир муҳим масала шуки, бригадада 4 марта кетмон чопиғи бажарилар экан. Бу иш 13 нафар хотин-қизнинг зиммасига тушади. Уларни бу оғир меҳнатдан озод қилиш керак. Тажрибалардан маълумки, биологик-механик тадбирлар тўғри амалга оширилса, бегона ўтлардан тўла қутилиш мумкин. Бунинг учун ишни куздаёқ бошлаш керак. Аввало кузги шудгор ер шароитига қараб 35—40 сантиметр чуқурликда сифатли ўтказилиши лозим. Борди-ю ўт жуда сероб бўлса икки ярусли плугларнинг бир корпуси олиб ташланиб ерни 50 сантиметр чуқурликда тўла ағдариб ҳайдаш керак.

Шунда устки қатламдаги ўт уруғлари, илдизи билан тўла эгат тагига тушади, устига асосий отвал кўтарган остки қатламдан чиққан тупроқ чиқади. Пастга тушиб кетган ўтлар баҳоргача чирийди. Қолган айрим ўтлар экиш олдидан бажариладиган ишловда йўқ қилинади. Шундагина, экишдан кейин дала 1,5—2 ой давомида ўтдан тоза туради, кетмон билан чопишга ҳожат қолмайди. Пастдан чиққан унумсиз тупроқнинг экинга салбий таъсирини йўқотиш учун экиш олдидан далага 300 килограмм аммофос, 150—200 килограмм селитра беришни тавсия этамиз. Бу ишлар амалга ошса, тупроқ ва атроф муҳитни заҳарлайдиган гербицидларни ишлатишга чек қўйилади.

Гербицидлар ҳар вақт ҳам наф беравермайди, аммо тупроқдаги фойдали мавжудотларга қирон келтиради. Бироқ буни кўп мутахассислар амалда ҳисобга олмайдилар. Кейинги даврда чиқадиган йирик ўтларни эса сувдан кейин, тупроқ намлигидаёқ илдизи билан суғуриб ташланса, такрор ўт кўкариши кескин камаяди. Сиз ўтган 1987 йил кузги шудгорни 22 ноябрда бошлаб, декабрь бошларида тугаллабсиз, олдинги йиллар бундан ҳам кечроқ бошлагансиз. Сизнинг шароитингизда октябрнинг охири, ноябрнинг бошларида шудгор сифатли ўтказилиб қўйилса, мўл ҳосилни таъминлайди. Шуни таъкидламоқчиманки, республикада кейинги йилларда кузги шудгор қишки шудгорга айланиб қолди. Уни қор ёққанда, ерлар лой ёки музлаганда ўтказиш одат тусига кирди. Бу— деҳқончиликда энг катта хатоликлардан биридир. Бундай аҳволга барҳам бериш керак.

Суҳбат чоғида ўртага ташланган муҳим масалалардан яна бири — тўртинчи сорт пахтани термаслик бўлди. Бу гапингизда жон бор. Бундай пахта — хўжаликлар учун кони зарар. У кузги-қишки агрономик тадбирлар ўтказишни кечиктириб юборади, келгуси йил ҳосилига путур етказади. Бундан ташқари нархи паст. Ўтган йилдан бошлаб 4-сорт пахтанинг бир центнерига 37 сўмдан ҳақ тўлаяпти, лекин барибир таннархи 45—60 сўмга тушмоқда. Бу табиийки, колхоз ва совхозлар экономикасига катта зарар етказяпти.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, сизлар ғўзани парвариш қилиш технологиясига шароитингизга қараб, керакли ўзгартишлар киритсангиз, бригадангизда ҳақиқий оила пудратини жорий қилсангиз, шубҳасиз яна 8—10 центнер ортиқча ҳосил кўтаришингиз ва ҳар бир ишчи ойига ҳозиргидек ўртача 259 сўм эмас, балки 400—450 сўмдан ҳақ олиши мумкин.

## СССР ПРОКУРАТУРАСИДА УЧРАШУВ

28 апрель куни СССР Прокуратурасида бўлиб ўтган учрашув уюшган жиноятчиликка қарши курашга бағишланди. Ўзбекистонда иш олиб бораётган терговгруппаларидан бирининг ходимлари журналистлар берган кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Кейинги икки ой ичидагина порахўрлар, талон-торож қилувчилар, ришвахўрлардан тортиб олинган бойликлар виставкаси ташкил қилинди. Банк қоғозига ўралган пуллар, Чор Россияси даврида зарб қилинган тангалар, олтин ўн сўмликлар, бағоят гўзал қимматбаҳо тош ва безаклар — жами 8 миллион сўмлик эди. Шундан кейин тергов группасининг жиноятчилардан бойликларни тортиб олишга доир ишлари тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли кинофильм кўрсатилди.

— Аминманки, бизга жуда қаттиқ қаршилик кўрсатилмаганида бундан ҳам кўпроқ бойликларни тортиб олишимиз мумкин бўлур эди,— деди СССР Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи, юстиция катта маслаҳатчиси Т. Гдлян. — Баъзи газеталарнинг саҳифаларида гоҳо кўзга ташланиб турадиган «ўзбеклар иши» деган ифодага қатъиян эътироз билдирмоқчиман. Фақат «ўзбеклар иши»нинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Биз текшираётган жиноий иш — мамлакатнинг турли идоралари ва регионларидаги юксак лавозимли жиноятчиларнинг ишидир. Кўпгина ришталар Москвадаги юқори мансабдаги бир қанча шахсларга бориб боғланмоқдаки, улар ҳанузгача ўз лавозимларида ишлаб турибдилар. Ана шулар тергов группамизнинг ишига кўп жиҳатдан путур етказмоқдалар.

(ТАСС мухбири).

Москва.

